

АВЕСТО ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИННИГ ҚАДИМИЙ МАНБАСИ СИФАТИДА

Нилуфар Махсудовна Кошанова

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти (PhD)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақоламизда Марказий Осиё халқларининг энг қадимги ёзма манбаси, халқ педагогикасининг нодир манбаси хисобланган «Авесто» даги оила ва никоҳ муносабатлари, аждодларимизнинг бола тарбиясидаги бой тажрибалари, таълим ва тарбия бериш шакллари ва усуллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: техноген цивилизация, миллий тарбия, халқ педагогикаси, тарбия шакллари, руҳонийлик таълимоти, нотиқлик, донолик, культ, хаома.

ABSTRACT

This article analyzes family and marriage relations in the Avesto, the oldest written source of the peoples of Central Asia, a rare source of folk pedagogy, the rich experience of our ancestors in raising children, forms and methods of education and upbringing.

Keywords: man-made civilization, national education, folk pedagogy, forms of education, clerical teaching, oratory, wisdom, cult, chaos.

КИРИШ

Хозирги техноген цивилизация, оммавий маданият ва глобаллашув даврининг салбий жиҳатлари инсониятга тарбия масаласига глобал масала сифатида қарашни тақозо қилмоқда. Ушбу шиддатли даврда ахборот хавфсизлиги масаласи долзарб мавзулардан бирига айланиб, ўсиб келаётган ёш авлодни унинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш масаласини янада қийинлаштируммоқда. Уч минг йиллик тарих силсиласида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган халқ педагогикаси намуналарини Марказий Осиё халқлари тарихи, дини, маданияти, халқ педагогикаси, яъни аждодларимизнинг бола тарбияси борасидаги бой тажрибалари ҳақида маълумот берувчи энг қадимги ёзма манба “Авесто” мисолида ўрганиш аҳамиятлидир. Сабаби дунёга қўплаб қомусий олимларни етказиб берган илм-фан ва маданиятда юксак даражада ривожланган она заминимизнинг тамаддунида фарзанд тарбияси борасидаги бой мероси асос бўлганлиги

шубҳасиздир. Миллат ва жамият тараққиёти асоси ахлоқий тарбия масаласи билан чамбарчас боғлиқ масала эканлиги инсоният тажрибасида ўз исботини топган. Қайсики халқ ахлоқ масаласига қадриятли ёндашса, миллий тарбия пойдеворини мустаҳкам асосларда барпо қиласа, шубҳасиз, жамият барқарор ривожланади ва тараққиётга эришади. Қадимги аждодларимизнинг оилада бола тарбияси масаласидаги ёндашувларини таҳлил қилишда, аввало, диний қадриятлар ва халқ педагогикасига оид манбаларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Маҳаллий олимларимиздан К.У. Нажмидинова ўз тадқиқотларида Марказий Осиёдаги оила ва оилавий тарбия ҳақидаги тарихий манбаларни 7 босқичга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Айнан Зардуштийликдаги бола тарбияси масаласини, исломгача бўлган даврни 1-босқичга киритади [6;6-7].

Р.Воҳидов, Х.Эшонқуловлар ўз тадқиқотчиларида Авесто диний китоб бўлиш билан бирга яна этнологик манба эканлигини алоҳида таъкидлайдилар [3;436-438]. Маҳаллий этнолог олимларимиздан А.Аширов[2] ўз тадқиқотларида ушбу дин баъзи маросим ва одатларининг ислом анъаналари билан синкетик тарзда ҳаётимизда яшаётганлиги масаласига эътиборини қаратади. Хориж олимларидан И.В.Рак, В.Костер, М.Бойс, А.О.Маколевский каби қўплаб олимлар диннинг моҳияти, урф-одатлари, маросим ва анъаналари, унинг нопокликга қарши курашда ва бошқа динларнинг шаклланишига таъсир қилишидаги аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтганлар.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” нафакат диний китоб балки унда ўша давр ижтимоий ҳаёти, жамият тузилиши, моддий олам ҳақидаги фалсафий қарашлар мазмуни, касбнинг инсон фаолиятидаги ўрни, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, оила ва фарзанд тарбиясидаги қарашларни ўз ичига олади. Милоддан аввалги IV асрда Аҳамонийлар Александр Македонский томонидан мағлубиятга учрагач Эрон кутубхонаси вайрон қилинган ва Авестонинг 3/5 қисми ёқиб юборилган. Бу ҳақида Абу Райхон Беруний ҳам ўз асарларида маълумот бериб ўтади[1;238]. Сосонийлар даврида Зардуштийлик давлат дини бўлиб давлат миқиёсида диний бағрикенгликга кенг урғу берилиши

натижасида ўз чегараларида кўплаб халқларни бирлаштирган қудратли давлатнинг вужудга келиши сабабларидан бирига айланади. Ўрта асрларда форсларнинг мажбуран исломлаштирилиши бир қатор анъаналарнинг бутунлай йўқолишига олиб келди. Коҳинларнинг катта қисми Авесто матнларини (канонлик тарзида) ўқий олмаслиги қўп маросим ва ибодатларнинг маъноси бутунлай йўқолиб кетишига олиб келади натижада Зардушт томонидан рад этилган турли хурофат ва одатлар билан тўлдирилган. Замонавий Иброҳим динларининг кўплаб тамойиллари зардустиликдан олинган деб ишонилади. Ушбу таълимотнинг ўзига хос хусусияти-қарама-қаршиликнинг доимий диалектик курашидир. Зардустийлик кейинги барча жаҳон динлари: буддизм, иудаизм, насронийлик, исломнинг шаклланишига катта таъсир қўрсатди. Масалан, исломда диний байрамларнинг аксарияти зардустийликдаги каби номларга эга: Ийд ал-Фитр – Янги йил байрами, Наврӯз – 21-март, баҳорги тенгкунлик куни нишонланади. Христианликда бирлашиш урф-одатлари зардустийлар орасида олов билан тозалаш маросимларини деярли бутунлай такрорлайди. Христианларнинг ёруғлик худосини иблисга қарши қўйиш фояси зардустийлик дуализми билан ҳам ўхшашликларга эга.

Зардустийларда оила тарбияси масаласига ниҳоятда катта эътибор қаратилган. Жумладан, зардустилар жамоасида никоҳ бир умрга муҳрланган бўлиб, бир эркакга икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ мумкун бўлмаган. Эр хотиннинг бир-бирига хиёнати қаттиқ қораланганди. Бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном қилинган, жазоланганди ва никоҳдаги эр учун “харом”хисобланган [3;50]. Авестошунос Ҳ.Ҳомидовнинг таъкидлашича Авестонинг Яшт қисмида Ахура Мазда ва Зардустнинг келин куёвларга даъвати ва мурожатлари келтирилган [8;59]. “Авестода доимий бадантарбия билан шуғулланиш, кунда юз- қўлни бир неча бор ювиш, қўлни ювмасдан туриб тананинг бошқа аъзоларини ушламаслик, сочни тоза тутиб тирноқларини тозалаб юриш ҳақида маслаҳатлар берилган [2;61]. Нафақат диний дуолар, балки чорвачиликнинг ривожланиши, қўпайиши, боғлар барпо этилиши (агрономия), ерни суғориш ва уларни етиштириш (мелиорация ҳақида), табиий бойликлар ва унинг атрофидаги ҳудудларни муҳофаза қилиш (экология), саломатлик (тиббиёт), ватанни, чорва моллари ва аҳолини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш (ҳарбий санъат), оила, эркак ва аёлнинг бурчи ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Буларнинг барчаси бу бебаҳо меросни аждодларимизнинг қомусий неъмати, дейиш ҳуқуқини беради. Ушбу дин

таълимотида инсон мутлақ ёвузынга қарши курашда Худонинг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилиш учун яратилган ва унга ирова кучи берилганлиги эътироф қилинган. Эзгулик ва ёвузынг объекти бўлган инсон фақат туғма донишмандлик ўлчови билан ўз танловини қилишда мутлақо эркинлиги ҳар бир инсон нима яхши нима ёмонлигини виждан ёрдамида аниқлай олиши айтилади. «Донолик», яъни, ақл тушунчаси Зардушт таълимотида тўғри танлаш ва маънавий юксалиш қувватини билдиради. Ушбу динда бола тарбияси масаласига она қорнидаёт эътибор қаратилган. Жумладан, аёл қорнидаги гўдак тўрт ой ўн кунликда вужудига рух унган дейилган [4;154].

“Авесто” да болаларга таълим ва тарбия бериш шакллари қуйидагича амалга оширилган:

- диний-ахлоқий тарбия;
- жисмоний тарбия;
- ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

Зардуштийликда руҳонийлик таълимоти 7 ёшдан эрта бошланган ва 15 ёш етуклик даврига етган ҳисобланган. Милоддан аввалги I минг йилликда ёзма тилнинг йўқлиги сабабли таълим оғзаки тарзда амалга оширилган. Динга тегишли урф-одатларини амалга ошириш, маросим пайтида худоларни чақириш ва уларни улуғлаш учун шеър ёзиш санъати ўрганилган ва ўргатилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки адолат тушунчаси давлат стратегиясида ҳам зардуштийларнинг кундалик хаётида ҳам култъ ролини ўйнаган. Адолатсиз одамлар ёвузынинг хизматкорлари ҳисобланган ва улар шафқатсизлик билан курашиши лозим бўлган. Зардуштийлик матнларида адолатли ҳукм қиласиган ва пора олмайдиган қози ўз ишида Ахура Маздага, ноҳақ ҳукм қилгани эса Ахру Манюга ўхшаб кетиши қайд қилинган. Марказий Осиё халқлари Зардуштийликга эътиқод қилган даврда табиатни эъзозлаш ниҳоятда юксак даражада таъминланган. Сув, ҳаво, тупроқ, олов эъзозланиб уларни нафақат иш билан ҳатто фикр билан ҳам булғаш таъқиқланган. Зардуштийларнинг уйлари жуда тоза ва озода покланиши нафақат маҳсус диний урф-одатлар ёрдамида, балки ижодий меҳнат орқали ҳам содир бўлади деб ишонилган. Ушбу динда меҳнатсеварлик рағбатлантирилган. Жумладан “Қачонки эгатларда урф экилса, девлар ўринларидан кўпадилар. Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой хирмонга уюлса девлар нобуд бўладилар” [4;231] дейилиши, биринчидан, чорвадор аҳолининг дехқончиликга рағбатини

ошириш бўлса, иккинчидан, уларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ҳам ҳисобланган.

“Авесто”да таълим тизимининг турли босқичларида китоб ўқишининг афзаллиги ҳақида “Кўнгил билан ўқиган киши поклик ва эҳтиёткорлик беради” ёки “Ҳаомадан нурли фарзандлар, солиҳ зурриётлар дунёга келади” дейилади. “Ҳаома наскларни ўрганувчиларга шон-шуҳрат ва ҳикмат ато этади”. Бу зардустилиқда китоб илм олишнинг асоси воситаси бўлганлигидан, илм олиш рағбатлантирилганидан далолат беради. Ислом дини билан қиёсий таққослайдиган бўлса зардустийликда исломдаги каби илм олиш ниҳоятда рағбатлантирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Авестодаги таълим ва тарбия ҳақидаги фикрлар, устознинг талабага, устознинг донишмандга, донишманднинг ёш авлодга қаратилган насиҳатлари асосида 3 минг йил аввалги таълимий-тарбиявий жараён ёндашувларини ўрганиш мумкун. Жумладан “Андарз-у данаг мард” қўллэзмасида донишманд ўғлига юзланиб, панд-насиҳат қиласи, ўргатади, буюради: “Ўғлим! Кўркувни ҳис қиласлик учун гуноҳсиз бўлинг. Бой бўлиш учун ақлли бўлинг. Яхши дўстлар борлигига шукр қилинг... Қариндошлар ва дўстларга итоат қилинг ва устозингиз билан жанжаллашманг... Хотинингиз ва болаларингизга энг яхши ва меҳрибон муносабатда бўлинг ва ўргатинг” [7]...-дейилган. Зардустийликда оила бошлиғи биринчи навбатда оиласидан тарбияядан насиҳат бериш, кейин эса ўз фарзандларига таълим бериш мажбурий вазифаси ҳисобланган. Авесто матнларида ўғилнинг бурчига қуидагилар кириши белгиланган:

- яхши ва ақлли дўстлар топиш;
- ўғирлик қиласлик;
- доимо ростгўй бўлиш;
- ўз иши ва сўзига жавобгар бўлиш;

Зардустийлар орасида таълим тизимининг бошланғич бўғинида таълим 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олган. Етти ёшгача болаларга тизимли таълим берилмаган бўлиб фақат зардустийликнинг қонуниятлари билан таниширилган. Бу ёшгача зардустийлар ўз болаларини Ахриман (ёвуз рух) гуноҳлари ва таъсиридан узоқда деб ҳисоблашган. Бола етти ёшгача тўлган пайтда муқаддас белгилар билан маҳсус кийим кийган ва етти ёшда бола яхши ва ёмонни ажрата олишини ҳисобга олиб, унга маълум вазифалар юклатиган. Зардустийлик динига кўра фарзанд ота-оналарининг салбий жиҳатлари учун жавобгар ҳисобланмаган, балки ота-оналар фарзандларининг нотўғри танловидан ҳимоя қила олмасалар

улар жавобгар ҳисобланган. Ота-оналарга қаратилиб шундай дейилади: “Агар фарзанд ёмонликга мойил бўлиб туғилган бўлса бу сизнинг муоммоингиз сиз шундай болаларга лойиқсиз, чунки уларни сиз тарбиялагансиз” дейилади. Яъни болаларга жоҳил ва аҳмок сифатида муносабатда бўлмаслик кераклиги уқтирилган. Зардустийлик динида фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берилганлигидан қуидаги сўзлар далолат беради: “Эй, Ахура Мазда, руҳингни турли-туман нарсаларда гавдалантиргансан, Ақл бериб, ҳаётни танага кийгансан. Ҳар ким ўзига ёқадиган йўлни танлаши учун амаллар ва таълимотларни яратди”. Зардустийларнинг мадраса каби таълим муассасаларида бошланғич таълимнинг натижаси санъатнинг 7 турини мукаммал эгаллаш ҳисобланган. Булар: ўқиш, санаш, камондан отиш, отда чопиш, диний қонунлар, қироат ва қўшиқ айтиш. Ёзиш ва ҳисоблаш таълимнинг энг паст даражаси эди. Нотиқлик ва “ширин сўз” бошланғич таълимнинг энг юқори даражаси ҳисобланган. Воизлар (нотиқлар) котиблар ва хаттотларга қараганда жамиятда юқори мавқега эга бўлган. Ёзишни, саноқни яхши билган кишилар ҳунармандлар қаторига қўйилган. Нотиқлар эса дин етакчилари даражасига кўтарилилган. Зардустийлар жисмоний ва меҳнат тарбиясини амалга оширишдан мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ёш авлодни меҳнатга тайёрлаш эди. Ўғил болаларга кураш, от эгарлаш, от миниш, чорва боқиш ва уларни қароқчилардан ҳимоя қилишда қулол-яроғлардан фойдаланиш ўргатилган. Таълим тизимида билимларни ўзлаштириш, дарс олиш ва дам олиш вақтининг аниқ белгиланиши диққатга сазовордир. “Илмни куннинг бошида ва охирида, кечанинг бошида ва охирида олиши, ақл-идрокда тўла бўлиши, охир-оқибат худоларни улуғлайдиган, улар шарафига самимий сўз айтиши керак. У кеча ва кундузда мароқли дам олиши, шундан сўнг ўтмиш донишмандларининг барча меросини ўзлаштириш учун илм йўлига интилиши керак” [4;121] -дейилади. Бошланғич таълимни олган ҳар бир ёш машғулот якунида Ахурамазда номига қасамёд қилинган. “Яхши амалларни бажаришда событман ва тавба қилишда барча гуноҳлардан юз ўгираман. Мен қалбимнинг олти хусусиятини ёмонликдан сақлаган ҳолда, амалларнинг поклигини асрайман: тафаккур қуввати, сўз қудрати, иш кучи, эҳтиёткорлик, ақл ва донолик” [10;351]... Кўриниб турибдики, зардустийлик динида илм қучига чин дилдан ишонганлар, натижада жамият ҳаётида илм-фан, донолик ғалаба қозонишига ишонганлар. Демак бизнинг қадимиј аждодларимиз соғлом авлод туғулиши ҳақида қайғурибгина қолмай, унинг гўдаклик чоғида жисмоний

тарбиясига жиддий эътибор қаратилганлигига “Авесто” гувоҳлик беради. Улар ватанпарварлик, ахлоқий, ақлий, жисмоний, жинсий, меҳнат ва тадбиркорлик тарбиясига алоҳида эътибор бериб, ёш авлодда ростгўйлик, меҳр-оқибат, хайриҳоҳлик каби инсоний фазилатларни шакллантиришга интилди .

Зардуштийлар қўйидаги таълим усуllibаридан фойдаланганлар:

Оғзаки тақдимот. «Авесто» матнлари ва таҳрирлари оғзаки хотирадан оғзаки равишда ҳарб ва дастур орқали тушунтирилган. Матнларни тақдим этиш шакллари: анъаналар, афсоналар, маслаҳатлар, тарбия, қўшиқлар. Ўрганилган билимларни мустаҳкамлаш учун топшириқлар берилган. Унда “Ўқитувчи ва мураббийлар томонидан такрор (икки марта) қўйлаш, яхши оўқиши, бандлар, занdlар (боўлимлар, параграфлар) билан айтиш, савол-жавоб, “Авесто” наскларига жавоб бериш мажбурий эди.

Визуал. Хусусан, саноқ (арифметика) ўргатишда барсам таёқчалари кўргазмали қурол вазифасини ўтаган; астрономияни ўқитишда - осмон жисмларини кўрсатиш ва кузатиш; санъатни ўрганишда - чолғу асбоблари, санъат асарлари, бинолар, қоятош расмлари ва бошқалар кўргазмали қурол бўлиб хизмат қилган.

Амалий. Оғзаки ва кўргазмали усуllibар орқали олинган билимларни мустаҳкамлаш учун ўқув жараёнида амалий усуllibар (машқлар, топшириқлар, мулоқот, ўз-ўзини тарбиялаш) ҳам қўлланилган. Жумладан, ҳарбий қуроллардан фойдаланиш, от миниш, кураш, шеър ўқиши ва қўшиқ айтиш, чолғу асбобларида чалиш, нотиқлик, расм чизиш, қоятош расмлари, дастурхон безаш, меҳмонларни қабул қилиш, шахмат ва нард ўйнаш, қўзали ичимлик тайёрлаш, оташкада хизмат қилиш ва х.з. Ўзлаштирилган билимларни такрорлаш, мустаҳкамлаш мулоқот (сухбат) орқали амалга оширилган ва ўқув вазифасини бажариш даражаси таҳлил қилинган.

Ўз-ўзини тарбиялаш. “Авесто”нинг “Гоҳи” ва “Яшти” қисмлари ўз-ўзини тарбиялаш тарзида ёддан ўргатилган, ўқиши жараёнида талафузга, оғзаки нутқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Улар саҳналаштириш, овоз ва товуш аппаратларини такомиллаштириш мақсадида ибодатхоналарда акустика қоидаларига риоя қилган ҳолда қурилган тебраниш, овоз товушини таъминлайдиган махсус хоналарда мустақил равишида қироат ва нотиқлик санъатини ўрганганлар. “Авесто”га хос бўлган хат руҳонийлар томонидан сир тутилган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби қисмларининг бугунги кунгача сақланиб қолгани

ёддан ўрганган ва бу қисмларни хотирада сақлаганларнинг хизматлариdir.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Айни пайтда ёшларимизни жамият талаблари асосида тарбиялаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Китоб муроала қилиш жараёни камаймоқда, оммавий маданият таъсирининг кучайиши шубҳасиз, улар дунёқарашининг шаклланиши ва камол топишига салбий таъсир кўрсатади. Шу ўринда, зардуштийларнинг тарбия масаласидаги насиҳатлари, ёндашувлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятига эга. Аждодларимизнинг педагогик қарашларидан таълим-тарбия жараёнида баркамол авлод тарбиялашда фойдаланиш мумкун. Авесто нафақат диний манба балки Марказий Осиё халқлари педагогикаси мазмун-моҳияти, ўқитишнинг шакл ва усуллари баён қилинган биринчи тарихий-педагогик ёдгорлик сифатида жуда қимматлиdir.

REFERENCES

1. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.-Т.,1968.-Б. 238.
2. А.Аширов. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Милли кутубхонаси нашриёти. Тошкент-2007.
3. А.Аширов. “Авесто” ва зардуштийларнинг оила турмуш маросимлари ҳақида//Ўзбекистонда ижтимои фанлар.-2002.-№1.-Б.50; А.Аширов. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Милли кутубхонаси нашриёти. Тошкент-2007.-Б.57..
4. Авесто. А.Маҳкамов таржимаси.-Б.154.
5. Болтоев А.А. Социально –педагогические основы привития национально-духовных ценностей студентам.//Молодой ученый.-2015.-№5(85).-С.436-438.-URL:<https://moluch.ru/archive/85/1601>
6. К.У. Нажмидинова. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Монография. Тошкент «Адолат» 2016.Б.6-7.
7. Зардуштийлик матнлари. О.М. Чунакова таржимаси. “Восточная”. Ран. 1997.
8. X.Хомидов.”Авесто”фазлари.-Т.,2001.-Б.59.
9. “Авесто. Хорде Авеста (Кичик Авеста) / Авесто матнини тайёрлаш, таржима, сўзбоши, М. В. Чистяков шарҳи. - СПб., 2005.-Б.351.
10. “Авесто. Хорде Авеста (Кичик Авеста) / Авесто матнини тайёрлаш, таржима, сўзбоши, М. В. Чистяков шарҳи. - СПб., 2005.с-81.